

Масъул муҳаррир:

Г.Г.Неклесса — халқаро масалалар бўйича ҳуқуқшунос, Халқаро иқтисодиёт ва бизнес академиясининг ҳуқуқшунослик доктори, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

Тақризчилар:

К.А.Ҳасанжонов — иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Т.Рўзиев — иқтисод фанлари доктори, профессор.

Мазкур ўқув қўлланмада Корея Республикама тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилади. Ушбу мамлакатда XX асрнинг охири — XXI асрнинг бошланишида сиёсий, иқтисодий, маданий ва турмушнинг бошқа соҳаларида содир бўлган асосий жараёнларга тавсиф берилади, Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги кўп тарафлама қамқорликнинг қандай ривожланиб бораётганлиги атрафлича баён этилади.

Ўқув қўлланма Тошкент Давлат Шарқшунослик инсппути, Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳар филиали ва КТЎИИЧМ илмий кенгашлари томонидан нашр эташга тавсия этилган.

Китоб бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар, «Халқаро муносабатлар», «Жаҳон иқтисодиёти», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Минтақашунослик», «Ўлқашунослик» курслари ўрганиладиган олий ўқув юртлиари ўқитувчилари ва илмий ходимлар учун мўлжалланган.

*К.А. Абдурахмонов, А.Н. Алляров,
Р.В. Абдуллаев, Ю.Т. Додобоев*

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ: СИЁСАТИ, ИҚТИСОДИЁТИ, МАДАНИЯТИ

Муҳаррир *Д. Исмоилова*
Бадий муҳаррир *Ж. Гурова*
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*
Компьютерда саҳифаловчи *А. Юлдашева*

Босишга 24.07.2006 да руҳсат этидди. Бичими 84x108₃₂ «Таймо гарнитурала офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 11,76. Нашр т. 12,2.

Жами нусха 1000. 86-рақамли буюртма.

«Arnaprint» МЧЖ босмаҳонасида саҳифаланди ва чоп этидди.

Тошкент ш., Х. Бойқаро, 41.

© «Turon-iqbol» nashriyoti, 2006.

КИРИШ

Мазкур тадқиқотда масалаларнинг қай даражада муҳи млиги — даврнинг ўзидан келиб чиқади. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида Осиё қитъасини қамраб олган туб ўзгаришлар биргина сиёсатчиларни ва давлат арбобларини эмас, балки ҳуқуқшунос-олимларнинг, иқтисодчиларнинг, сиёсатшуносларнинг ҳам алоҳида қизиқини уйғотади.

Осиё-Тинч океани, Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги мамлакатлар ташқи ва ички сиёсатининг бир шаклдан иккинчисига утиши, иқтисодиётларидаги таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг юксалиши ва моддийлашуви катта куч ва барқарорлиги билан намоён бўдди. Бу эса қитъани бугунги кунга келиб ривожланиб ва тараққий этиб бораётган маконга айлантириб юборди.

1991 йилдан бошлаб, тарихан қисқа вақт оралиғида Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг ва халқаро ҳуқуқнинг амалдаги субъектига айланди. Самарали ташқи сиёсат туфайли мамлакат биргина ўзининг миллий манфаатларини химоя қилиб қолмасдан, шаҳе, жамият ва давлатнинг хавфеизлигини мустаҳкамлашда, иқтисодиётини ривожлантиришда, маънавий соҳаларни юксалтиришда энг юқори сифат даражасига кўтарилишига ҳам эриша олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли асарида «Бизнинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари — Япония, Жанубий Корея, Вьетнам, Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа шу каби мамлакатлар билан алоқаларимизнинг мустаҳкамланиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман», деб ёзган эди.

Корея Республикаси Осиё тараққийотиға янги тенденцияларни олиб қираётган давлатлардан, ёрқин тимсоллар-